

## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТНИ ЁД ЭТИБ...

Ўтганлар руҳини шод этишдек хайрли ҳаракат рўзи рамазон кунларида амалга оширилса янада савоблироқ бўлиши ҳақ. 27 май куни “Гидромелиорация” факультети иккинчи босқич “мелиоратив гидрогелология” йўналиши 215 гуруҳ талабалари ҳамда гуруҳ мураббийси С.Қодировлар юртимизнинг биринчи президенти И.А.Каримов мемориал музейига боришди. Музейга ташриф давомида талабалар биринчи юртбошимиз ҳаётига доир қизиқарли ва мазмунли видеороликлар, фотосуратлар, турли давлатлар раҳбарлари томонидан тақдим этилган медаллар, эсдалик совғалари билан танишишди. Музейда яхши одат бор экан: ҳар бир ташриф буюрувчи гуруҳга биринчи президентимиз ҳаёт йўлини қисқача баён қиладиган ҳужжатли фильм диски ҳамда китобчаси берилар экан. Ўйлайманки, ушбу ташриф гуруҳ талабаларининг ҳаётида чуқур из қолдиради. Аллоҳ ўтганларнинг охиратини обод қилсин!



**"Гидрология ва гидрогеология" кафедраси ассистенти С.М.Қодиров ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**